

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА КРІ ТИЗИМИНИ ЖОРЙ ҚИЛИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Насирова Дилноза Акбаровна

Миробод филиали кассир оператори.

Тошкент кимё халқаро университети,
“Молия” йўналиши 3- босқич талабаси.

Электрон почта: jasurbek789@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14165298>

Аннотация. Бу мақолада бугунги кунда банк фаолиятига KPI тизимини жорий қилишининг аҳамияти ҳақида сўз боради. KPI тизими – бу банкларнинг менежерлари ва ходимлари фаолиятини белгиланган талаб даражасида олиб борилишини ёки белгиланган мақсадга эришишини назорат қилувчи, баҳоловчи самарадорлик ёки натижадорлик кўрсаткичи деб ҳам юритилади, ва яна мақолада бу тизимнинг афзалликлари ва камчиликлари ҳақида ҳам сўз боради.

Калим сўзлар: KPI тизими, тушум, харажатлар, операцион даромад, активлар, операцион харажатларнинг фоиздаги улуши, бошқарувдаги активлар, фоиз, активлар рентабеллиги, банклар трансформацияси, хорижий инвестициялар, молия-кредит.

PROSPECTS OF INTRODUCTION OF KPI SYSTEM IN COMMERCIAL BANKS

Abstract. This article talks about the importance of implementing KPI system in banking today. The KPI system is also referred to as an efficiency or effectiveness indicator that monitors the performance of banks' managers and employees at the specified level or achieves a specified goal, and the article also talks about the advantages and disadvantages of this system.

Key words: KPI system, income, expenses, operating income, assets, percentage share of operating expenses, assets under management, interest, return on assets, transformation of banks, foreign investments, finance-credit.

ПЕРСПЕКТИВЫ ВНЕДРЕНИЯ СИСТЕМЫ КРІ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ

Аннотация. В нашем статье сегодня мы поговорим о важности внедрения системы ключевых показателей эффективности в банковскую деятельность. Система KPI также называется показателем эффективности или производительности, который отслеживает деятельность менеджеров и сотрудников банков, которая должна осуществляться на заданном уровне спроса или для достижения заданной цели. В проекте также рассказывается о преимуществах и недостатках этой системы.

Ключевые слова: Система KPI, поступления, расходы, доходы от транзакций, активы, процентная доля транзакционных издержек, активы под управлением, проценты, доходность активов, трансформация банка, международные инвестиции, финансы и кредит.

Маълумки, банк тизимда киритилаётган янгиликлар банк операциялари, амалиётларини тезлаштиради, иш унумдорлигини оширади. Бундай янгиликлардан бири соҳага KPI тизимини жорий қилинишидир. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида“ги фармонида ҳам қатор топшириқ ва вазифалар белгиланган [1].

Инглиз тилида KPI ибораси “key results indicators” – “самарадорлик кўрсаткичлари” (“performance indicators”), “энг муҳим натижадорлик кўрсаткичлари” ва “муваффакиятларнинг муҳим факторлари” (“critical success factors”) каби терминлар орқали тушунтирилади¹.

Жаҳон амалиётида KPI тизимини банкларда ходимларни бошқариш соҳасида кўлланилиши ҳисобига 1 йилда 18% гача банкларни фойдасини оширишга, муаммоли активларини 15% га камайтиришга эришганликлари ушбу тизимнинг банк тизимида жорий этишни талаб қилишини исботламоқда. МДҲ мамлакатларидан бири Россиядан 2011 йилда биринчилардан бўлиб, KPI тизимини жорий қилган банк Сбербанк ҳисобланиб, 2011 йил охирида 321 млрд. рубль фойда кўрган. 2023 йил якунларига кўра, Сбербанкнинг дивиденд тўловлари миқдори банк тизимида дивиденд тўловлари ичида энг юқори бўлиб, 752 млрд.рублни, соғ фойдаси - 1,49 трл.рублни ташкил этди [2].

SuperJob портали тадқиқотига кўра, 2023 йилда одамлар ишдан барқарорлик ва башорат қила олишликни кутишган. Ўтган йилга нисбатан бу кўрсаткич 2 пунктга ошган.

Иш натижаси олдиндан айтиб бўладиган ва тушунарли бўлиши учун ишни самарадорлигини баҳолашнинг аниқ мезонлари бўлиши керак. Шунинг учун аниқ баҳолаш мезонларига эга, KPI тизимини жорий қилиш керак [3]. Умумий ҳолда KPI тизими тижорат банкларида мижозлар билан ишлаш, банк фаолиятини самарадорлигшини ошириш учун хизмат қиласиган янги тизим ҳисобланади. Мамлакатимиз тижорат банкларининг ушбу тизимни кенг кўламда ишлатишлари албатта ўз самарасини беради.

Ўзбекистонда тижорат банкларни трансформация қилиш, уларнинг активлари сифатини ошириш ва бозор тамойиллари асосида шакллантириш, уларнинг бозор қийматини ошириш орқали хорижий инвесторларга сотиш мамлакатимизнинг “Ўзбекистон-2030” стратегик дастурида белгиланган. Жумладан, «Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириши, келгуси бешик йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиши чораларини кўриши» каби муҳим вазифаларининг қўйилиши банкларни трансформация қилиши, инвестицион жозибадорлигини ошириши бўйича муҳим вазифаларни белгилайди. ПФ 5992 [3]

Бундан ташқари аҳолининг йиллик даромадини йиллик 4000 АҚШ долларга етказиши белгиланганлиги банкларда KPI тизимини жорий қилинини орқали ходимларнинг разбатлантириши ҳисобига ҳам эришилиши мумкин.

Мазкур масалаларнинг ечимларини топиш, бугунги кунда молия-кредит соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг асосий масалаларидан бири бўлиб келмоқда. Бу эса, мазкур мақола мавзусининг долзарб эканлигини билдиради.

KPI – бу банкларнинг менежерлари ва ходимлари фаолиятини белгиланган талаб даражасида олиб борилишини ёки белгиланган мақсадга эришишни назорат қилувчи, баҳоловчи самарадорлик ёки натижадорлик кўрсаткичи деб ҳам юритилади.

¹ Ключков А.Т. (2010) KPI и мотивация персонала. Полный сборник практических инструментов. –М.: Эксмо, 10 стр.

Умуман KPI - белгиланган мақсад бўйича “ўлчов мосламаси”. Аммо, мақсад билан боғлиқ бўлмаган кўрсаткичлар орқали KPIни аниқлаш мумкин эмас.²

Хозирги кунда банклар ўзларида KPI тизимини жорий қилишганда камида 17 та кўрсаткични инобатга олиши лозимлигини кўплаб хорижий банкларни менежерлари таъкидлашади. Бу кўрсакичларга: тушум, харажатлар, операцион даромад, активларга нисбатан операцион харажатларнинг фоиздаги улуши, бошқарувдаги активлар, бошқарувдаги активларнинг белгиланган назорат кўрсаткичидан ошиши миқдори фоизда, активлар рентабеллиги, мижозларни сўров қилиш натижаларини баҳолаш, муамони ёпишнинг ўртacha муддати, янги ҳисобрақам очишдаги хатоликлар сони, етарли бўлмаган хужжатлар билан очилган ҳисобрақамлар миқдори, ҳисобрақамларнинг умумий хажми, банк ходимига тўғри келадиган банк бошқарувидаги активлар миқдори, бир ходимга тўғри келадиган операцион фойда миқдори, филиаллар бўйича сотув хажми, иш жараёнларини жорий этиш миқдори каби кўрсаткичларни киради.

Аслида KPI тизимини жорий этишда банк ходимларини бошқарувини тўғри ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Чунки тўғри танланган ходимлар ва тўғри бошқарадиган ходим банкни рентабеллигини ортириши билан бирга банкларда ходимлар ўртасидаги мухитни ҳам яхшиланишига эришади.

KPI тизимининг бир нечта камчиликлари ва афзалликлари мавжуд. Уларни қўйидаги жадвал орқали кўриб чиқамиз.

1-Жадвал.

KPI тизимининг афзалликлари ва камчиликлари

АФЗАЛЛИКЛАРИ	КАМЧИЛИКЛАРИ
Шаффоғлиги	Универсал эмаслиги
Адолатлилик	Кўп ресурс талаб этиши
Аниқлилик	Нотуғри шакллантирилган кўрсаткичлар
Истиқболлиқ	Индивидуал ва гурӯҳ кўрсаткичлари ўртасидаги низо
Қайта алоқанинг қўлланилиши	

Жадвал маълумотлари асосида KPIни жорий қилишдаги афзаллик ва камчиликларни кўриб чиқдик. Аммо, KPI тизими 40 йилдан ортиқ муддатда Фарбий мамлакатларнинг банкларида, 15 йилдан ортиқ муддатда Россия амалиётида ўзининг самарадорлигини кўрсатиб келмоқда. Буни KPI тизимини жорий этиш орқали банкларда тушум миқдорининг 10%дан ортиқ суммага ошиши мижозга йўналтирилган фаолиятни ташкил этиш ҳисобига, мижозлар кетиши ҳолатининг камайиши ва банкларнинг фойдасини 15 %гача кўтарилиш, харажатларнинг 10-20%га қисқариши, ходимларнинг мотивациясининг ортиши натижасида меҳнат унумдорлигининг ортиши, банк хизматларининг сифати ортиши

² Парментер Д. (2011) Ключевые показатели эффективности. Разработка, внедрение и применение решаютих показателей. Пер. с англ. А. Платонова. М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 25 стр.

натижасида рақобатбардошлиқ даражасининг ортиши, аниқ стратегик мақсадларни ишлаб чиқилиши каби амалий натижалар берганлигини кўришимиз мумкин.

KPI кўрсаткичларини тизимли ёндашув асосида ишлаб чиқиш ўз ичига 4 босқични қамраб олади:

1. Банкнинг стратегик ва асосий мақсадларини ишлаб чиқиш.
2. Банк тузилмавий бўлинмаларининг асосий кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.
3. Асосий кўрсаткичларни назорати ва мониторингини ташкил этиш.
4. Маош ва KPI тизими асосида устамаларни ҳисоблаш учун асосий кўрсаткичларни танлаш³.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси сифатида айтиш мумкинки, мамлакатимизда KPI тизимида қўлланишида кутилаётган камчиликлар қуйидагилар:

Биринчидан, мамлакатимиз амалиётида тижорат банкларида KPI тизими назарий ва амалий жиҳатлари алоҳида тадқиқот обьекти сифатида етарлича ўрганилмаган. Бу ўз навбатида, KPI тизимини жорий этишининг иқтисодий мазмуни бўйича иқтисодий адабиётлар ва меъёрий ҳужжатларда мутахассислар томонидан, шунингдек назарий ёндошувларда турлича талқин қилиниши ва амалиётда қўлланилишига сабаб бўлмоқда.

Иккинчидан, тижорат банкларида стратегик мақсадларни шакллантиришда обьектив ва субъектив омиллар таъсири қиласи, шу сабабли ҳақиқатга яқин мақсадли кўрсаткичларни белгилаш лозим ва албатта, муддатлар белгиланиши лозим. Агар тегишли мақсадли кўрсаткичларнинг муддатлари белгиланмаса, KPIни мониторинг қилиш мураккаблашади.

Учинчидан, ҳар бир банк ўзининг KPI тизимини ишлаб чиқишида ўз фаолиятининг ўзига хосликларини инобатга олган ҳолда амалга ошириши ва мақсадли кўрсаткичларни шунга кўра белгиланиши асослаб берилди.

Тўртинчидан, KPI тизимини жорий қилишда рағбатлантириш фондидан фойдаланишда халқаро амалиётда қўлланиладиган усуулардан фойдаланиш, рағбатлантириш фондини 40%дан ортиқ қисмини истиқболдаги рағбатлантириш мақсадларида қолдирилиши банкда фонdlар тақсимотини тўғри ташкил этилишига олиб келади.

Бешинчидан, Ҳар бир раҳбар ходим, банк бўлинмалари ва ходимлари ўзларининг KPI бўйича ишларининг мақсадли кўрсаткичларини аниқ билишлари ва ходимларни бошқариш бўлими тегишли йўл ҳаритасини ишлаб чиқсан ҳолда улардан шу натижаларни талаб қилишини услубий тартибларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этилиши зарур.

Олтинчидан, тижорат банкларининг KPI тизими кўрсаткичларини мунтазам таҳлил қилиб боришлири зарур. Бу замонга мос мақсадларнинг қўйилиши ҳамда шиддат билан ўзгараётган иқтисодий муносабатлар шароитида банкларнинг мослашувчанлигини оширади бу провард натижада банк фойдасини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Қўйида Ипотека банкининг Миробод тумани филиали мисолида KPI кўрсаткичларини кўриб чиқамиз. **2- Жадвал**.

³ Клочков А.Т. (2010) KPI и мотивация персонала. Полный сборник практических инструментов. –М.: Эксмо, 50 стр.

Миробод филиалининг 2024 йил IV чораги учун жамоавий КПИ кўрсаткичлари РЕЖАси:

Миробод филиали нинг 2024 йил IV чораги учун жамоавий КПИ кўрсаткичлари РЕЖАси						
	Indicators	Кўрсаткичлар	Салмоқ	01.11.2024	01.12.2024	01.01.2025
RETAIL	Retail current accounts (stock, monthly average, UZS bln., 20206, 22616, 22617, 22618)*	Чакана талаб қилиб олингунча депозитлари (ўртача ойлик қолдик, млрд.сўм, 20206, 22616, 22617, 22618 хўрлар)*	20%	58,0	62,7	68,3
	Retail deposits (stock, monthly average, UZS bln.)*	Чакана депозитлар (ўртача ойлик қолдик, млрд.сўм)*	25%	136,7	145,8	159,3
	Retail loans disbursement (UZS bln.)	Чакана кредитлар ахратиш (млрд.сўм)	30%	11,0	10,1	9,9
	Fee income, Retail (cumulative, UZS min.)	Чакана комиссиян даромадлар (млн.сўм)	10%	3 227,3	3 588,5	3 910,3
LEGAL ENTITIES	First payment default Retail, FPD	FPD, Чакана мижозлар	15%	Кўрсаткичиниа шакрои фоизи олинади.		
	Newly attracted LE clients with turnover	Жалб қилинган янги Юридик шахс мижозлар сони	25%	20,0	20,0	20,0
	SME deposits (stock, monthly average, UZS bln.)*	Кичик бизнес депозитлар мидори (млрд.сўм)*	25%	92,2	92,0	90,3
	Corporate deposits (stock, monthly average, UZS bln.)*	Корпоратив депозитлар мидори (млрд.сўм)*	15%	230,1	237,0	243,9
	Fee income, Legal entities (cumulative, UZS min.)	Юридик шахслар комиссиян даромадлари (млн.сўм)	20%	10 287,8	11 301,6	12 842,3
	First payment default LE, FPD	FPD, Юридик шахслар	15%	Кўрсаткичиниа шакрои фоизи олинади.		
	Ондош - фидоринадор бўйиче замонавий 3 ойлик "сипатум" формати (тасвирланилган респондентларни обигардиши).					

Юқоридаги жадвал таҳлил қилиниши керак!!!

Хулоса ва таклифлар қўйидагилардан иборат:

Банкларда КПИ тизимини жорий этиш ва такомиллаштиришда банкларни дастурий таъминоти билан уйғуналиқда олиб бориш лозим. Чунки ҳар бир қилинган операциялар автоматлашган тарзда КПИни ҳисоблаш имкониятини беради. Бу кўп миқдордаги пул маблағларини талаб этади, аммо бир марта йўлга қўйилган тизим йиллар давомида ўзини оқлайди. Бундан ташқари юқорида аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида қўйидагиларни амалга ошириш мақсаддага мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Тижорат банкларида КПИ тизимини замонавий мақсадли кўрсаткичлар асосида жорий қилиш ва бозорда ўзгаришлар юзага келган вақтларда КПИ кўрсаткичларини тезлик билан кўриб чиқиши йўлга қўйишни таклиф этамиз.
2. Тадқиқот натижаларига асосланиб таклиф қилиш мумкинки, банк ходимларини малакасини доимий ошириш, уларни ротация қилиш орқали уларнинг самарадорлик даражасини оширишни тавсия қиласиз.
3. Ҳар бир банк бўлинмаси ва ходими ўзининг КПИ кўрсаткичларини тўлиқ ва аниқ билиши, рағбатлантириш адолатли ва шаффофф ташкил этилиши зарур.
4. Тижорат банкларида активлари ва пассивларини бошқаришда самарали усууллардан фойдаланиш, стратегик мақсадларни бозордаги муҳитдан келиб чиқсан холда белгиланиши, КПИ тизимини жорий қилишда хориждаги баланслашган усуулни қўллаш орқали КПИни юқори даражасига эришишни таъминлаши лозим.
5. Банкларда ходимлар сиёсати ва уларнинг қўнимсизлик кўрсаткичларини доимий мониторинг қилиб, келгуси ойнинг 10 санасига қадар банк раисига маълумот беруб бориш.

KPIни белгиланган мезонларини 1 йил давомида бажармаган ходимларга нисбатан тегишли чоралар қўриш, уларни иш ўрни ўзгартиришдан тортиб то ишдан бўшатиш масалларини ҳам қўриб чиқишин таклиф қиласиз. Чунки самарасиз ишлаган ходим банкка фойда келтирмайди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, KPI тизими тижорат банкларида фаолият юритаётган ходимлар учун янги тизим ҳисобланиб уларни олдиларига қўймилган вазиваларни бажаришда асосий рағбатлантириш тизими ҳисобланади. Бу борада ҳар бир ходим ўзига юқлатилган вазифани ўз вақтида ва сифатли бажарилиши ушбу тизимни яхши ишлашига замин яратади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги “Рақамли Ўзбекистон-2030 стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида“ги ПФ 158 сонли Фармони.
2. Клочков А.Т. (2010) KPI и мотивация персонала. Полный сборник практических инструментов. –М.: Эксмо, 132 стр.
3. Парментер Д. (2011) Ключевые показатели эффективности. Разработка, внедрение и применение решающих показателей. Пер. с англ. А. Платонова. М.: ЗАО «Олимп-Бизнес», 288 стр.